Тошкент оқшоми



*Дил тубидан*

# ОЛТИН КУЗ

***Қуёшнинг шуълалари илиқроқ туюлди бу тонг. Аввалгидек куйдирмайди, эркалайди, Салқиндан сесканиб кетади киши: куз келибди-я!***



Куз... Бир лаҳза махзун хаёллар сени чирмаб олади: йил бўйи нима қилдинг? Она табиатку топган-тутганини сенга тутяпти. Сен-чи, унинг бу ҳимматига нима деб жавоб қайтардинг?! Бир туп ниҳол экдингми? Ёки бир қулоч ариқ кавладингми?

Табиатнинг ўзига хос сарҳисоб фасли бу олтин куз. Шаҳарнинг кузги боғларида кезасану дилингга учқун тушгандек бўлади. Беихтиёр пичирлайсан: яна кузга етдик. Шукронамикин бу?! Оҳиста-оҳиста тўкилаётган япроқларга монанд сатрлар ҳам оҳиста тизила бошлайди.

***Дарахтлардан учди япроқлар:***
***Ялтиради ҳув, яна мезон.***
***Сувлар худди кўзгу ярақлар.***
***Нилий тусда жилмаяр осмон.***

***Ёз бўйи тинмаган деҳқон.***
***Қаддин ростлаб, олар бугун тин.***
***Насибаси бут Ўзбекистон:***
***Чаноқларда ёнар, «оқ олтин»***

***Хиёбонлар узра сукунат***
***Юракларга, шивирлар бир сўз:***
***Атрофга боқ, инсон бир муддат,***
***Олтин куз бу, олтин куз***

***Қони тинган ўсмир мисоли,***
***Табиатда ажиб осойиш.***
***Олтин кузим, борми тимсолинг,***
***Бердинг юртга зебу оройиш.***

***Қуёш нури юзларда ўйнар,***
***Эркалайди танингни роҳат.***
***Она шаҳрим бағрида қайнар***
***Олтин кузга хос бир фазилат***

***Тиллоланар табиат аста***
***Бу шундайин мўйсафид фасл.***
***Нигоҳлари ўйчан шикаста —***
***Лекин баҳору ёз каби асл!***

***Тошкентда куз,***
***Дилда уйғонар***
***Гўдак мисол жонсарак туйғу.***
***Бўлса ҳамки қанча дилобар***
***Азал-азал шундай фасл бу!***

Лекин қаёққа қараманг, яшаш, яратиш завқи. Бири-биридан ўтаман деган темир минора-кранлар Тошкентнинг одатий манзарасига айланиб қолган. Олтин куз келса ҳам шаҳримизда сокинлик сезилмайди. У ёниб яшайди, бағри ёниқ шаҳар бу. У йилнинг тўрт фаслида қайнаб туради.

***Тошкентда куз***
***Фаввораларнинг***
***Заррасида унинг қўшиғи.***
***Ахир ким бор шу зарраларнинг***
***Бўлмаган асиру ошиғи!***

***Худди умр созига ўхшаш,***
***Анҳорларнинг бўйлари сўлим.***
***Юзларингни силаган бесас***
***Шаббоданинг куйлари сўлим.***

***Сокин бугун она табиат***
***Сарҳисобин қилган деҳқондай.***
***Юрак тинмай қайнайди фақат,***
***Фақат тинмас ҳар на имконда —***
***Бўлса барин она халқимга***
***Эҳсон қилган зумрад шаҳар бу!***
***Олтин кузи шундоқ балқиган***
***Қайнашлари абад шаҳар бу!***

Умр деганларининг кузи бўлмас экан! Кундан-кунга бағри яшнаб, гўзаллашиб бораётган шаҳримиз шу хазонсиз умрга ўхшамайдими? Олти йилда жамоли олтмиш баробар очилиб кетгани шунинг белгиси бўлса не ажаб.

Олтин куз.

Унинг мадҳини ёзган билан адо бўлмайди. Япроқларда куз, боғларда куз нафаси. Қушларнинг чах-чахларида бир қадар бехаловатлик. Лекин шаҳримнинг бағридаги иштиёқи оташин нафас ўша-ўша.

Тошкентда куз. Жиндек файласуфона, жиндек мўйсафидона, лекин юракларга олам-олам қувончлар солган мустақилликнинг қўйни-қўнжи тўлиб келган олтинчи кузи бу!

*Голиб МИРЗО.*



*Олтин кузнинг асал туҳфаларига марҳамат!*

*Туманларда*

## ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

***Мирободтумани ҳар томондан қулай ерга жойлашгани учун унинг ҳудудида дов-дарахтлар, яшил зоналар ниҳоятда кўп. Айни пайтда туманда 350 саноат корхонаси ва турли ташкилотлар ҳам борки, улар шаҳар табиатига маълум миқдорда зарар етказиши сир эмас.***

Ҳавога зарарли моддалар асосан қуйидаги корхоналардан чиқади: «Тошкимёқишлоқмаш» заводи, «Фотон», «Ўзтемирйўлмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлектроаппарат», «Ватан диёри» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари.

1996 йилда туман бўйича ҳавога чиқарилган зарарли моддалар 1.168 минг тоннани ташкил этди. Бу албатта ундан аввалги йилдагига нисбатан 286 тонна камлиги билан диққатга сазовордир. Хўш, бунга қандай эришилди? Ўз-ўзидан маълумки, биринчидан ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш, иккинчидан ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш, чиқиндисиз технологияга ўтиш орқали, албатта. Шундай технологияларга мисол қилиб «Ўзэлектроаппарат» корхонасидаги бир қатор тадбирларни — деталларни гальваник қайта ишлашга ўтказиш, ФВ-200 қўрғошин ушлаб қолувчи қурилмани ўрнатишни келтиришимиз мумкин.

«Ўзтемирйўлмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бир қатор янгиликлар жорий қилинди. Айниқса корхона ҳудудидаги ерларга тегишли ишлов берилди.

Қўмитамиз томонидан туманда текширишлар ўтказилганида бир талай носозликларга дуч келдик. Масалан, юқорида ижобий ишларини тилга олганимиз «Ўзтемирйўлмаш» корхонасида чанг, газ тозаловчи 47 қурилманинг 8 таси ишга яроқсиз эканлиги аниқланди. Бу албатта барчамизни ранжитади. Айни пайтда ҳавога заҳарли моддалар меъёридан ортиқ чиқиб кетади.

1997 йилда туман бўйича ҳавони муҳофазалаш борасида 20 та тадбир ўтказиш кўзда тутилган. Шундан ярми ўтказилди.

Хуллас туман ҳокимлиги, корхоналар раҳбарлари билан биргаликда туманнинг экологик ҳолати мунтазам назорат қилиб борилмоқда, чоралар кўрилмоқда. Бу ўзининг ижобий натижасини беряпти, албатта. Олдимизда турган вазифалар эса ниҳоятда масъул. Инсон манфаатлари йилида шаҳримиз экологиясини янада соғломлаштириш учун барча имкониятларни ишга солишимиз керак бўлади.

*Нина БАРЗМАН,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозири.*

*Шахсий ибрат*

## ШАҲАР – ҲАММАМИЗНИКИ

***Кун жазирамасида соя-салқинда бир нафасгина жонимизга ором етса дарахт эккан кишилардан қанчалар миннатдор бўламиз.***

Чиндан ҳам шаҳримизда қоматини ростлаб турган чинорлар, эманлар, заранглар яшил бойлигимиздир. Афсуски, айрим ҳамшаҳарларимизнинг совуққонларча муносабатда бўлиши оқибатида улар кун ўтган сари қуриб, камайиб боряпти. Шундай дарахтларни ўстириш қанчалар машаққатлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а? Дарахтларни шунинг учун ҳар маҳал парваришлаб, уларни сақлашни ўйлашимиз керак.

Шаҳримиз туманлари ободонлаштириш бошқармалари ўз ҳудудларида қуриган дарахтларни кесишдек яхши иш билан шуғулланмоқдалар. Мирободдаги Мовароуннаҳр, Стародубцев, Ким Пен Хва кўчаларидаги қуриган дарахтлар, шох-шаббалар олиб ташлангандан кейин манзара кўркамлашди. Бундай ҳолни Ҳамза туманидаги Фонвизин, Боровский кўчаларида ҳам кўриш мумкин. Худди шундай Акмал Икромов туманида ҳам талайгина юмушлар бажарилганини қониқиш билан таъкидлашимиз керак. Аввалари жарликдан иборат бўлган Обводная кўчаси чиқиндилар билан тўлдирилди. Устига тоза тупроқ ташланди. Ниҳоллар экилди. Ҳозир кузда, ёзда ниҳолларнинг парвариши билан маҳалла аҳли шуғулланади, қуриган кўчатларнинг ўрнига янгиларини экади.

Чилонзор туманининг чегарасидан бошлаб Ўрикзор даҳасигача Ҳалқа йўл бўйлаб тоза тупроқ ташланди. Бу йил кузда шу ерларга ниҳоллар экиш мўлжалланмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси эртанги куннинг ободончилиги, кўркамлиги учун олиб борилаётганига шубҳа йўқ.

Кўпгина даҳаларнинг яшовчилари ён-атрофдаги корхоналарнинг ахлатларини тўкилишига тўсқинлик қилиш ўрнига ўзлари уларга ўрнак бўлмоқдалар. Йўл четидаги ахлатларни ободонлаштириш бошқармаси ходимлари албатта олиб кетишлигини билишади-да. Лекин инсофчи? Диёнатчи? Ҳаммамиз бир челакдан чиқинди чиқариб ташласак шаҳар кўчалари қай аҳволга тушарди?!

Шу ўринда ахлат ташланадиган темир қутиларнинг ўз вақтида олиб кетилиши, бўшатиб олиб келинишини таъминлаш ниҳоятда муҳимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Агар ҳар бир уйда яшовчилар табиатга жиддий муносабатда бўлиб, тўғри келган жойга ахлат ташламасалар, экилган ниҳолларни кўнгилдагидек парваришласалар шаҳримиз бундан ҳам кўркам бўлиб кетишини айтиб ўтиришга ҳожат бормикин?!

*Ким ФАТТОҲОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси.*




**№ 8 (69) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси**

*Мутасаддилар фикрича...*

## МУСАФФО ҲАВОДАН НАФАС ОЛАМИЗ

***Пойтахтимиз Тошкент мустақиллик шарофати билан кун сайин чирой очиб бормоқда: равон кўчалар, қад кўтарган осмонўпар бинолар, ям-яшил хиёбону боғлар унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Бинобарин шу гўзал шаҳримизнинг ҳавоси мусаффо ва тоза бўлиши диққат-эътиборимизда турган асосий масалалардан биридир.***

Шаҳримиз қиёфасига мос экологик вазиятни сақлаб қолиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат инъомларидан оқилона фойдаланиш масалаларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилаётганини тўлиқ иш режамизга киритганмиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сессиясида «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши ва Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» янги китобларидаги кўрсатмалари ва қонун талаблари инсон ҳаётидаги муҳим ўрнини янада қатъий белгилаб берди. Улардаги қўйилган талаб ва қоидалар, йўл-йўриқлар шаҳримиздаги барча ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларнинг кундалик ишларида асосий дастур бўлиб қолди.

Ўтган 1996 ва 1997 йилнинг ярим йилида 374 тадбир ўтказиш белгиланиб, унга 139,4 миллион сўм маблағ ажратилган эди.Шундан 174 тадбир атмосфера ҳавосини муҳофаза этишга, 149 тадбир сув муҳофазасига бағишланган эди. Амалда 207 тадбир бажарилди (бу умум режанинг 60 фоизини ташкил этади). Атмосфера ҳавоси муҳофазаси бўйича 143 тадбирга 41,3 миллион сўм сарф этилган бўлса, сувлар тозалигини сақлаш учун 82 тадбир ўтказилиб, қарийб 58 миллион сўм сарфланди.

Режада белгиланган тадбирлар тўлиқ амалга оширилмаган бўлса ҳам зарарли моддаларни ҳавога чиқариш 2400 тоннага камайди. Очиқ сув ҳавзаларига чиқинди сувларни ташлайдиган 4 манба тугатилди. Натижада 4298 куботонна зарарли оқава сувлардан халос бўлдик. Олтита айланма сув таъминоти ишга туширилди. Натижада ишлаб чиқариш учун тоза сув йиғилиши йилига 3017 кубо тоннага етди. Бу вазифаларни амалга оширишда шаҳардаги кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари атроф-муҳитни муҳофаза қилишдек олижаноб ишга виждонан ёндошиб, тадбирларни ўз вақтида бажараётганини айтиб ўтишимиз керак. Биз саноат корхоналарининг зарарли чиқиндилари ҳақида кўп гапирамиз. Шаҳардаги 105 корхонада 12.394 тонна зарарли чиқиндилар ҳосил бўлган. Улардан фақат 1056 тоннаси бартараф этилган, 1642 тоннаси бошқа корхоналарга берилган, 2000 тоннаси ахлатхоналарга чиқариб ташланган. 7194 тонна ахлат ҳанузгача корхоналарда уюлиб ётибди. Чиқиндиларни корхоналарда қайта ишлаш деярли ташкил этилмаган.

Ҳамза тумани шаҳримизнинг йирик саноат туманларидан биридир. Унда кўплаб йирик корхоналар ишлаб турибди. Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси», «Олтин бошоқ», «Ўзбекқоғози» ҳиссадорлик жамиятлари, «Тошмаргёғ» корхонаси, «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамияти шулар жумласидандир. Энди бу корхоналар 1996 йил ва 1997 йилларда табиатни муҳофаза қилиш борасида қандай юмушларни бажарганлиги ва бажариши кераклигига назар ташлайлик.

«Ўзбекқоғози» ҳиссадорлик жамияти сувдан технологик зарурат учун, яъни ҳар турдаги қоғозларни ишлаб чиқариш, қозонхонада, автомашина ювишда, корхона ҳудудидаги ўсимликларни суғоришда фойдаланади. Оқава сувлар корхонанинг картон ва қоғоз ишлаб чиқариш цехларидан, қозонхонадан чиқади. Йилига 2190 минг кубометрни ташкил этади. Оқава сувлар йиллар мобайнида Қорасув каналига ташланар эди. Қўмитамиз саъй-ҳаракати билан оқава сувлар 1996 йилнинг 25 декабридан «Ўзбекқоғоз» ҳиссадорлик жамияти томонидан қурилган янги канализация тармоғига уланди.

«Тошқишлоқмаш» корхонаси 1997 йил табиатни муҳофаза қилиш бўйича тузилган тадбирлар асосида 4-ва 6-цехларнинг компрессор станцияси оқава сувларини Салор каналига ташлашни бартараф этиб, бу цехлардан чиқаётган 319 минг кубометр ҳажмдаги оқава сувлар айланма сув иншоотига уланади. Бу билан корхонанинг Салор каналига кўрсатаётган салбий таъсири тугатилади.

«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти «Б» ҳудудидаги 29, 58, 371, 31, 10, 15-цехлар заҳарли гальваник оқава сувларни янги қурилган тозалаш иншоотига уланди. Бу билан ниҳоят цехларнинг шаҳар метрополитенига кўрсатаётган зарарли таъсири анча камайди.

Бу кўрсаткичлар қўмитамиз томонидан бажарилаётган ишлардан бир шингили. Ҳали шаҳримизнинг экологик муаммолари жуда кўп. Уларни бартараф қилиш учун фақатгина қўмитамиз ходимлари эмас, балки маҳалла фаоллари, корхона раҳбарлари, ишчиларигача экология жонкуярлари бўлмоғи лозим.

Шаҳарни транспорт воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, Тошкент шаҳрида унинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Маълумки, транспорт воситалари шаҳар атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган асосий манбалардан бири ҳисобланади. Транспорт воситалари атмосфера ҳавосини кўпроқ ифлослантирмоқда. Ўтган бир ярим йилда режа бўйича 250 корхонада 184 марта текшириш ўтказилди. 3153 автомобиль кўздан кечирилди. Уларнинг 172 тасининг чиқарган дудларида углерод қуруми ҳаддан зиёд кўп эканлиги аниқланди. 265 автомобилнинг 32 таси ишлатишга яроқсиз деб топилди. Уларнинг ҳаммаси таъмирлашга жўнатилди. 169 автомобилни ишлатмаслик ҳақида қарор қабул қилинди. 63 мансабдор шахсга 51050 сўм жарима солинди. Шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ДАН ходимлари билан 3 марта «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилди. Тадбир давомида 169 автокорхона, 21 та техник хизмат кўрсатиш устахонаси, 49 ёнилғи қуйиш шохобчалари назоратдан ўтказилди. Текширувлар шуни кўрсатдики, муаммо асосан шаҳарга келтирилаётган ёнилғининг сифатсизлиги, автомобиль йўлларининг носозлиги, автомобиль двигателларининг ишдан чиқишидир. «Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциациясида 1997 йил тадбирлари асосида автомобилларнинг ёнилғи тизимини созлаш, двигателларнинг тўла таъмирланиши, эски, яроқсиз автомобилларни рўйхатдан чиқариш ва янги автомобиллар сотиб олиш ҳисобига атмосфера ҳавосига чиқарилаётган чиқинди миқдорини 1179 тоннага камайтириш кўзда тутилган. Бошқа корхоналарнинг раҳбарлари ҳам масалага шундай ёндошса айни муддао бўлар эди.

Шаҳримиз ҳудудидан 11 та йирик каналлар оқиб ўтади. 1995 йилда бу каналларга шаҳримизнинг 24 корхонаси ўзларининг чиқинди, оқава сувлари билан маълум даражада салбий таъсир кўрсатар эди. 1996 йилга келиб бу рақам 18 тага камайди. Каналларга оқава сувларининг тушишига барҳам берган корхоналар «Ўзбекқоғози» ҳиссадорлик жамияти (йилига 2190 минг кубометр Қорасув каналига), «Тоштўқимачимаш» ҳиссадорлик жамияти (Салор каналига йилига 280 минг кубометр), «Шарқ таронаси» ҳиссадорлик жамияти (Салор каналига йилига 31 минг кубометр), 5-темир-бетон буюмлари заводи (Бектемир каналига 11 минг кубометр) корхоналари мутасаддиларидан хурсандмиз.

Шаҳар ҳудудидан оқиб ўтаётган каналларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, сув ҳавзаларининг муҳофаза зоналарида жойлашган корхоналарнинг очиқ сув ҳавзаларига кўрсатаётган таъсирини чуқурроқ ўрганиш мақсадида 1996 йилда шаҳарнинг 11 канали бўйлаб шаҳар прокуратураси билан биргаликда текширув ўтказилди. Бунинг натижасида сув муҳофазаси қоидаларини бузган 60 дан ортиқ мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Текширувда сув хўжалиги вакиллари ҳам иштирок этдилар. Ҳозирги кунда шаҳар ҳокимлигига Салор, Қорасув, Бўржар, Натман, Дамаччи, Кайковус, Толариқ каналларининг сув муҳофазаси зонаси тўғрисидаги муаммони ҳал қилиш лойиҳаси тасдиқлаш учун берилган.

Тошкент — озод диёримизнинг пойтахти. Янги қурилаётган муҳташам бинолар, кенгайтирилган кўчалар мустақил республикамиз пойтахти кўркига кўрк қўшмоқда. Лекин шу билан биргаликда бу гўзалликни янги иншоотларининг қурилиши жараёнида кесилаётган дарахтлар бузяпти. Қўмитамиз дарахтларни кесиш бўйича берилган аризномаларни диққат билан кўриб чиқиб, қурилиш жараёнида олиб ташланиши лозим бўлган дарахтларнинг маълум бир қисмини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Қўмита у ёки бу миқдордаги дарахтларни кесишга рухсат этувчи далолатнома бериш билан биргаликда қурилиш тугагандан сўнг ушбу ҳудудни кўкаламзорлаштириш, кесилган дарахтларнинг ўрнини қоплаш мақсадида 10 баробар миқдорида кўп дарахтлар экиш учун кўрсатма берадилар. Бундан ташқари қўмитамиз шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ва туман ободонлаштириш бошқармалари билан биргаликда кўкаламзорлаштиришнинг давомий режаларини тузиш билан биргаликда, у ёки бу туманларни кўкаламзорлаштиришда олимларнинг фикрини ва туманда жойлашган корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги шароитни ҳам инобатга олишни тавсия этадилар. Бундай ишлар қариган, қуриган, қулаб тушган дарахтларни ўзгартиришда ҳам инобатга олинади.

1996 йил куз ва 1997 йил баҳор ойларида шаҳарда 97,2 минг туп мевали, манзарали дарахтлар ва буталар, 30,1 минг туп терак экилди. Буларнинг ҳаммаси шаҳримизнинг яшил либоси доимий равишда янгиланиб ва ёшариб бораётганлигини кўрсатади.

Шаҳримиз кўчаларини, корхоналар, ташкилотлар, турар жой биноларини ёритиб турган чироқларнинг ичида симоб парлари борлигини ҳозирги кунда ҳамма билса керак. Шаҳримиз бўйича куйган, яроқсиз ҳолга келган лампаларни ҳисобласак, минглаб рақамларни ташкил этади. Қўмитамиз тавсиясига асосан бу лампалар корхоналарда махсус ажратилган жойларда сақланиши зарур. Ҳозирги кунда «Ўзиталмотор» заводида симобли лампаларни зарарсизлантирадиган қурилма ишга тушиш арафасида.

Хуллас, ҳали бажарадиган ишларимиз, ҳал қиладиган муаммоларимиз бор. Бизнинг вазифамиз, уларни ўз вақтида бартараф этишдан иборат.

*Юсуф РАЖАБОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси.*

*Текширув*

## ГАПИРАВЕРИБ ЧАРЧАДИК

***Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ой сайин корхоналарда, автосаройларда табиатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бажарилишини изчиллик билан текшириб бормоқда. Табиийки бунда бир қатор қоидабузарликлар учраб турибди.***

Бу ўз-ўзидан шаҳардаги атроф-муҳит аҳволига салбий таъсир кўрсатади. Энг таъсирли жойи шу ердаги арзимаган сабаблар билан ҳавони тозаловчи қурилмалар йилдан-йилга ўрнатилмасдан судраб келинмоқда. Бундай ҳолни Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамиятида, 243-фуқаро авиацияси заводида, тепловоз таъмирлаш корхонасида учратишимиз мумкин. Ушбу корхоналарда кўпроқ енгил металл конструкциялар, кимёвий моддалар ишлатилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар қандай қурилма ниҳоятда зарурлигини ҳис этамиз. Худди шундай «Садаф» ҳиссадорлик жамиятида гальваник оқаваларни зарарсизлантирадиган станция ишга туширилмаяпти. «Тошшаҳарйўловчитранс»нинг ёнилғи қуйиш тармоқларида эса ер ости ёнилғи сақлаш ҳажмларини қуриш орқага сурилмоқда.

Кичик ва қўшма, автотранспорт корхоналарини, қурилиш ва монтаж бошқармаларини, гаражлар, шахсий фирмаларни қўмитамиз назоратчилари синчиклаб кўздан кечирдилар. «Нодирабегим», «Алекс», «Ҳикмат», «Ирис» сингари кичик корхона ва фирмаларда экологик экспертизадан ўтмаган ишлаб чиқариш лойиҳалари бор экан. «Ўзбекфильм» очиқ турдаги акционерлик жамиятида, «Шифобахшбулоқ» ҳиссадорлик жамиятида, 1-қурилиш бошқармасида, ТошДУнинг автосаройида ва бошқа катта-кичик корхоналарда табиатни муҳофаза қилишга бағишланган тадбирларнинг рўйхати мутлақо тузилмаган. «Шифобахшбулоқ» ҳиссадорлик жамияти, «Тола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қўмитамизга ўз ҳисоботларини топширмаганлар. «Алекс» шахсий корхонаси, «Махсусавтотранс»нинг 8-автосаройида зарарли моддалар чиқарадиган манбалар рўйхатга умуман олинмаган. Худди шундай «Ўзавтотранс» корпорациясининг «Б. К. Интранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида, 1-қурилиш бошқармасида, «Тошқишлоқмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида сувдан махсус фойдаланиш учун тегишли рухсатномалар йўқ.

Тошкент вилояти пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехи фаолияти экологик экспертиза хулосаси йўқлиги учун тўхтатиб қўйилди.

Кўчаларда азбаройи чиқиндилар кўплиги, шох-шабба, ахлатларни ёққани учун 65 киши (62 фуқаро ва 3 мансабдор шахс) жами 45 минг 200 сўм жарима тўлайдиган бўлди.

Бундай ҳодисаларга мутлақо дуч келмасликни истардик. Ҳадеб гапираверіб биз чарчадик, жарима тўлаб, ишни галга солиб қачон чарчайсиз, ҳурматли мутасаддилар!?

*Умид ИСРОИЛОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг мутахассиси.*

*Танқид таъсир қилдими?*

## БАЖАРСА БЎЛАРКАН-КУ!

Саҳифада эълон қилинган танқидий материаллар изидан бориб кўпгина муҳим тадбирлар бажарилганининг гувоҳи бўлдик.

● «Тошиссиқликмарказ» ишлаб чиқариш бирлашмасида агрегат қозонларида ёқилғидан икки босқичда фойдаланишни ташкил этиш ишлари ниҳоясига етди.

● «Тоштўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлатилган сувларни йиғадиган тозалаш иншоотини кўриш ишлари тугалланди. Салор каналига ҳар йили 250 куботонна чиқинди ташлайдиган манбага барҳам берилди. Айнан шу корхонага вагранкадан чиқаётган зарарли газларни тозаловчи ускуна ўрнатилади, бу тадбирни бажариш учун 1 миллион сўм миқдорида маблағ сарф қилинади, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи икки оксидли углерод гази йилига 246 тоннага камаяди.

● «Ўзқишлоқмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида вагранкада ишлатиладиган кокс ёқилғисидан табиий газга ўтказиш режалаштирилган, бу билан атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи углерод икки оксид газининг миқдори йилига 30 тоннага камаяди.

● «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида Салор каналига ҳар йили 1728 куботонна ишлатилган сув ташлайдиган манбалар ҳам барҳам топди, тоза сув йиғими эса 1500 куботоннага етди.

● «Тошшаҳарюктранс» ишлаб чиқариш бирлашмасида 12 автомашина табиий газ билан ишлашга ўтказилди, 2521, 2515-автоколонналар, 3-автокомбинат, 8-автосаройда ёнилғи қуйиш шохобчаларидаги ёнилғи сақланадиган цистерналар очиқ жойдан ер остига кўчирилди.

● «Рангли лок» фирмаси ҳам мақтовга лойиқ ишларни амалга оширди. Бу ерда бўёқ маҳсулотлари олиш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишловчи махсус тегирмон ишлай бошлади.

